

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**Педагогика факультети**

**“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси”**  
**кафедраси доценти, санъатшунослик**  
**фанлари номзоди Д.С.Пулатовнинг**

**ТС-54-16-гурӯҳда ўтказган**

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАРИХИ**

**фанидан**

# **ОЧИҚ ДАРС ИШЛАНМАСИ**

***МАВЗУ: XVII- XVIII АСРЛАР ЕВРОПА САНЪАТИ***



**Наманган-2018**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
Педагогика факультети

“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси  
ТС-5416-гуруҳ талабалари учун

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАРИХИ

фанидан

**XVII- XVIII асрлар Европа санъати**  
мавзусидаги очиқ дарс

ТАҚДИМОТИ



Ўқув машғулотидаги таълим технологияси модели  
Мавзу: XVII- XVIII аср Европа санъати

<i>Вақт: 10.00соат</i>	<i>Талабалар сон: 28</i>
<i>Машғулот шакли ва тури</i>	Маъруза (хўрғазмали)
<i>Маъруза режаси /ўқув машғулотидаги тўзилиши</i>	1. Италиянинг XVII-асрдаги Ижтимоий-сиёсий Вазияти 2. Италиянинг XVII-асрдаги Бадиий-маданий Ҳаёти 3. XVII-аср Италия тасвирий санъатининг ўзига хос хусусияти 4. XVII-асрда шаклланган янги йўналиш ва услублар: барокко, караважизм йўналишлари, балонье академизми
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i> XVII-аср Европа тасвирий санъати тўғрисида тушунчаларни шакллантириш, билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш	
<i>Педагогик вазифалар:</i> XVII-аср Италия ижтимоий-сиёсий ва бадиий-маданий ҳаёти билан таништириш; Янги ижодий услуб ва йўналишларни таснифлаш; Ўзига хос жиҳатлари, моҳиятини очиқ бериш.	<i>Ўқув фаолияти намуналари:</i> XVII-аср Италия ижтимоий-сиёсий ва бадиий-маданий ҳаёти билан боғлиқ асосий масалаларни кўрсатадилар; Янги ижодий услуб ва йўналишларни таснифлайдилар; Ижодий йўналишларни айтиб берадилар ва ўзига хос жиҳатларини очиқ берадилар.
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, савол-жавоб.
<i>Таълим шакли</i>	Оммавий, жамовий, гуруҳларда ишлаш
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, техника воситалари ва бошқ.
<i>Таълим бериш шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳларда ишлашга мўлжалланган хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқ.

## XVII-XVIII асрларда Европа (умумий таъриф)

XVII-XVIII асрларда **илм-фан тарққиёти, географик кашфиётлар, янги денгиз йўлларининг очилиши** жаҳон халқларини ўзаро алоқасини фаоллаштирди, ижтимоий ҳаётини тезлаштирди. Европа мамлакатларида тараққиёт бирмунча тезлашди. Жаҳон халқларининг ижтимоий- сиёсий ва маданий ҳаётида рўй берган бу ўзгаришларда **Европа мамлакатлари етакчи ўрин эгаллади.**

Европа қитъасида феодал жамият тузумига қарши ҳаракатлар бошланди. Бу эса янги муносабатларни шаклланишига ва XVIII-аср охирларидан феодал тузумнинг узил-кесил инқирозига олиб келди. Ижтимоий муносабатлар ўзгарди. Ижтимоий-сиёсий курашнинг кучайиши санъат ва маданият мавқеини оширди. **Европа мамлакатлари орасида Италия жуда катта маданият ўчоғи** сифатида донг тартади. Бироқ бу даражага эришиши учун оғир сиёсий-иқтисодий вазиятни бошидан кечирди.

## ИТАЛИЯНИНГ XVII-АСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТИ

XVII асрда Италия Уйғониш давридагидек илғор, етакчи давлатлар қаторида эмас эди. Сиёсий ҳамда иқтисодий жihatдан суст ва тарқоқ бўлган. Майда, алоҳида бўлакларга бўлинган Италия, ўзидан кучли мавқейдаги Франция ва Испания давлатларига бас келолмади. Узоқ давом этган ўзаро кураш Испаниянинг ғалабаси билан яқунланди. Италия сиёсий мустақиллигини қўлдан бой берди.

**Венеция, Генуя** ва бошқа Рим папасига тегишли ерлардан ташқари **Италия икки аср мобайнида Испанияга қарам бўлиб қолди.**

Шунга қарамай, санъат ва маданият борасида **янги ижодий йўналишлар юзага келди ва ривожланди.**

## ИТАЛИЯНИНГ XVII-АСРДАГИ БАДИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ

Италиянинг юқори табақа кишилари ўз мавқеларини тиклаб олиш мақсадида хашаматли сарой, черков ва қасрлар, чуқур меъморий ечимга эга безакка бой мажмуалар, хайкал ва сайлгохлар қуришга эҳтиёжи баланд эди. Бироқ, давлатнинг сиёсий-иқтисодий қарамлиги учун бунга имконияти етмас эди. Шундай бўлсада **улар** мавжуд **черковларга ўзгариш киритиб**, уларни **қайта қурдилар ва таъмирладилар ва янгиларини қурдилар**. Католик черкови ёки “папалик” мамлакатдаги бу қурилишлар туфайли ўз мавқеини тиклаб, халққа таъсирини ўтказа бошлади. **Санъат ва маданиятда олдинга интилиш бошланди.**

Тез орада турли **бадий оқим ва йўналишлар** юзага келиб, кейинги Европа санъати ва маданияти ривожига ўз таъсирини ўтказди. Рим XVII-XVIII асрларда антик мерос, санъат ва маданият маскани ўлароқ бутун дунё рассомларини ўзига жалб қилди, бошқа мамлакат рассомлари ҳам бу шаҳарга интилдилар.



## Қуйидаги саволларга жавоб беринг



XVII-XVIII асрлар жаҳон халқлари маданияти тарихида Европа мамлакатларининг ўрни қандай бўлган?



XVII-XVIII асрлар Италиянинг ижтимоий-сиёсий вазиятига таъриф беринг?



XVII-XVIII асрлар Европа санъати ривожидида Италия тасвирий санъатининг аҳамияти қандай?



XVII-XVIII асрлар Италия санъатининг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?



## XVII-АСР ИТАЛИЯ САНЪАТИДА ШАКЛЛАНГАН ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР:

**Барокко**

**Караважизм**

**Балонье академизми**



**Барокко**



**караважизм**



**балонье акад-и**

**Барокко** – Италия санъатида уйғониш


даврининг сўнги босқичида кириб келди. У бутун XVII аср давомида ривожланиб, XVIII асрнинг 1-чи ярмигача ҳукм сурди.

**Барокко** бу, қарама-қаршиликлар ва композицион элементларнинг нотекис бўлинишидир.

Бу иборанинг аниқ таржимаси йўқ, аммо италянчада “ғалати, бачкана ёки хаддан зиёд бўрттирилган” деган маънони англатади. Бу бадий услуб фақат меъморлик ва тасвирий санъатгагина эмас, балки бутун маданий жабҳа учун, жумладан адабиёт ва мусиқага ҳам хосдир. Барокко услуби кейинчалик бутун Европа мамлакатларига кенг ёйилди, масалан: Фландрия, Испания, Франция ва Германия, қисман бошқа давлатлар санъатига ҳам таъсирини ўтказди.

## БАРОККА УСЛУБИ

БАРОККО УСЛУБИ ШАРТЛИ РАВИШДА 3 БОСҚИЧГА БЎЛИНАДИ:



XVII аср "**Барокко асри**" деб ҳам юритилади. Бу бежиз эмас. Чунки даврнинг ғоявий-эстетик қарашлари айна шу услубда кўпроқ кўзга ташланади. Санъат тарихида XVII аср меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларини таърифлаш учун қўлланилган, кейинчалик эса тасвирий санъатга нисбатан ҳам ишлатила бошланган. Барокко услубининг белгилари дастлаб **Италияда** пайдо бўлган. **Виньола, Палладио** меъморлик биноларида, **Микеланжело ҳайкалларида** ва **рангасвирларида** шу услуб хусусиятлари намоён бўлган. Барокко услубида асарнинг драматик холати тасвирнинг **мураккаб ракурсларида, нур-соя қарама-қаршилиги** ва **серҳаракат композициясида** ифода этилади. **Фазовий кенглик масаласи** ҳам ўзига хос талқин қилинади.

**Барокко услубида ранг суртмалари** ҳам муҳим ифода воситаси сифатидир. Ранг суртмаларининг эркин ишлатилиши композиция динамикасини оширишда муҳим ўрин эгаллайди ва асар бадиийлигини кучайтирувчи восита сифатида иштирок этади. Шунингдек, композицияда **узоқ ва яқиндаги буюмларни тасвирлашга**, образларни **мураккаб ракурсларда жойлаштиришга** эътибор берилдики, улар **учиб кетаётган, тепадан шиддат билан тушаётган** каби **жўшқин ҳаракатни** гавдалантиришга хизмат қилади. Барокко услубида **диний мифологик сюжетлардан** ташқари, **тарихий ва маиший мавзуларда яратилган композициялар** ҳам мавжуд. Лекин уларда реаллик ва нореаллик қоришиб кетади. Улар безовталиқ, ҳаяжонли ва романтик кўринишда ифода қилинади.

умумтаъриф

## БАРОККО - БУ

барча санъат турлари ва тасвирий элементларнинг **синтезлашувидир**. Меъморлик, хайкалторошлик, рангтасвир ва амалий безак санъати уйғунлиги барокко услубининг асосий принципларидан биридир.

### БАРОККО УСЛУБИНИНГ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ САНЪАТИГА ТАЪСИРИ

Барокко услубига хос декоративлик, нус-соя ўйинига эътибор бериш ва ҳис-ҳаяжонга тўла асарлар яратиш тамойиллари тез орада кўплаб санъаткорларни ўзига жалб этди. Бу услуб **Гарбий Европа мамлакатларига ёйилди** ва ўша халқларнинг миллий санъат анъаналари билан уйғунлашди. Жумладан, **Испания ва Португалияда барокко** жуда ҳашамдор, жимжимадор эди. Бунинг сабаби, бу ерда маҳаллий наққошлик равнақ топганлигидадир. **Германияда** эса барокко готика таъсирида ривожланганлиги сезилади. **Фландрияда** “фламанд бароккоси” шаклланган бўлса, **Францияда** барокко классицизм таъсирида намоён бўлади. Барокко **Англия, Скандинавия мамлакатлари, кейинроқ эса Россияга** ҳам кириб борди.



## Қуйидаги саволларга жавоб беринг



Барокко услуби қаерда ва қачон шаклланди,



Барокко услубининг ижодий ўзига хос хусусиятлари нимада?



Барокко услубида қандай мавзуларга мурожаат этилади?



Барокко услубининг бошқа Европа мамлакатларига таъсири қандай бўлган?

Меъморликда


## БАРОККО УСЛУБИ

Бароккога хос фазилатлар Рим меъморлигида ўзининг классик кўринишига эришди. Барокко интерьерларида декоратив рангасвир, ҳайкал ва колонналар муҳим ўринни эгаллайди. Улар хоналарга бадиий мазмун киритади. XVII- аср санъатининг шу фазилатларининг кўп томонлари меъмор ва ҳайкалтарош, ажойиб декоратор **Жованни Лоренцо Бернини** (1598-1680) ижодида ўз ифодасини топди. Римдаги **авлиё Петр собори**нинг олдидаги катта майдон ва уни ўраб турган устунлар қатори шу санъаткорнинг **шоҳ асари**дир.



Римдаги авлиё Пётр собори майдони. 1656-1667

**Бернини** Неапол шаҳрида туғилди. Шу ерда отасидан санъат сирларини ўрганди. **9 ёшида мрамарда одам боши ҳайкалин**и ишлаб, кўпчиликни ҳайратлантирди. **25 ёшда** эса католик Римнинг маҳобатли биноси **авлиё Петр ибодатхонасининг бош меъмори** этиб тайинланди, Унинг қурилишига яқун ясаб ягона йирик маҳобатли меъморлик мажмуасини яратди. Мажмуа XIV асрда қурила бошланган. Уни қуришда **Модерн, Браманте, Микеланджело** иштирок этишган. Бернини ана шу машҳур ибодатхона олд томонида **фаввора ва обелискли майдон** яратиб, уни устунлар қатори билан улуғворлаштирди.



**ЛОРЕНЦО БЕРНИНИ**



**ФРАНЧЕСКО  
БОРРОМИНИ**

**Бернини**  
ижодига  
мансуб.  
Ватикандаги  
**«Қироллик  
зинапояси»**.  
1663-1666 й.



**Бернини.**

Римдаги  
**АВЛИЁ ПЁТР  
САБОРИ**  
интеръери



**Бернини**

Римдаги  
**САНТ АНДРЕА  
КВИРИНАЛЕ**  
черкови.

1658-1678 й.  
Фасад.




# ФРАНЧЕСКО БОРРОМИНИ

(1599-1667)

Сан-Карло  
алле Куатро  
Фонтане  
черкови

(1634-1667 й.)



Навон  
майдонидаги  
Сант Анъезе  
черкови



# ҲАЙКАЛТАРОШЛИКДА БАРОККО УСЛУБИ




**Бернини. Аполлон ва Дафна.**  
Мрамор. 1622-1625 й.  
Римдаги Боргезе галлерейси



**Бернини. Авлиё Тереза жазаваси,**  
Мрамор. 1645-1652й. Римдаги  
Санта Мария делла Викториа черкови




Бернини. Давид хайкали



Микеланджело. Давид Хайкали

Бернини  
Автопортрети,  
1670 й.



**Бернини.**  
**Людовик XIV**  
**портрети.**

Мармар. 1665 й.  
Версаль  
Қироллик  
саройи



## Қуйидаги саволларга жавоб беринг



Италян барокко услубининг йирик  
намоёндаларидан кимларни биласиз?



Италиялик барокко услубининг йирик  
намоёндалари ижодига мансуб асарларни  
биласизми?

## Рангтасвирда

# КАРАВАДЖИЗМ ЙЎНАЛИШИ

Барокко италия санъатида ягона бўлиб қолмай, у билан ёнма ён реалистик йўналиш ҳам шаклланди. Шундай йўналишлардан бири **Кароважизм**дир.

Кароважизм йўналишининг асосчиси **1573-1610-йилларгача** яшаб ижод қилган **Микеланжело Меризи да Караважо** ҳисобланади. Караважо қисқа умр кўрганига қарамай Европа **реалистик санъати тараққиётига** кучли таъсир ўтказди. Ломбардиянинг кичик караважо шаҳарчасида меъмор оиласида дунёга келди. Тасвирий санъат асосларини дастлаб Миланда ўрганди. Тахминан 1590 йилларда Римга кўчиб келди. Бу ерда рассомларга ёрдамчи бўлиб, ишлаб кун кўрди. Тез орада машҳур рассом бўлиб етишди. Караважо **ўз ижодида халқ ҳаётига мурожаат қилди, ёшлар, масҳарабоз ва лўлилар ҳаётидан композициялар** яратди. Европа санъатида **биринчи бўлиб натюрморт («Мевали сават», 1596)** жанрида мустақил асар ишлади.

**Караважо.** Люта чалувчи. 1595 й



Караваджо,  
Биби  
марямга  
таъзим



Чақалок  
кутарган  
Мадонна



Караваджо. Уйқудаги фаришта



Караваджо. Мусикачилар.

Караваджо.

Калтакесакдан  
чўчиган ўсмир




Караваджо.

Мевали  
сават  
кўтарган  
ўсмир



Караваджо.  
Қадаҳ ушлаган  
Вакх. 1595 й.  
Флоренция,  
Уффици.



**Караважо**

**Ёш бетоб**

**Вакх**

Караважо. Биби Марямни Миср йўлида  
дам олиш



\* Караважо. Харта ўйини



## Қуйидаги саволларга жавоб беринг



Карважизм услубининг асосчиси ким ва услуб ҳақида нималарни биласиз?



Карважизм услубининг ўзига хос томонлари нимади, ижодий техникаси қандай?



Караважизм услубига мансуб қайси асарларни биласиз?

**БАЛОНЬЕ АКАДЕМИЗМИ**  
(ака ука караччилар ижоди)

XVII-аср Италия санъатида манеризмдан кейин, рангасвирда ўта янгича бир йўналиш ёки услуб юзага келди. У аввал кичик бир даргох даражасига эга бўлиб, бу даргох кейинроқ **уч ака укалар:**

**Людовико (1555 1619)**

**Агостино (1557 1602)**

**Аннибале (1560 1609) Каррачилар**

томонидан ривожлантирилиб, **академия даражасига** кўтарилди, мазкур академия кейинги Европа ва жахон санъати ривожига алохида ўрин эгаллади.

Ака ука Каррачилар академиясининг **тарихий ахамияти** шунда эдики, улар **биринчилардан бўлиб, таълим олиш учун махсус ишлаб чиқилган дастурга эга бўлган бадий мактабни яратдилар.** Улар ўзларининг бадий тарбия бериш услубиятида устахоналарда бир хил қолипдаги тажрибага асосланган ўқитиш тизимига чек қўйдилар. **Амалиёт билан назарияни бирлаштириб, ўзига хос педагогик ва эстетик тизимни яратдилар.** Рассомларни мутахассис қилиб етиштиришда ва ўқитишда махсус дастур ишлаб чиқиб, тасвирий санъатнинг негизи бўлмиш чизматасвир, рангасвирдан ташқари анатомия ва перспектива қонуниятларини билиш, “натура” ва антик намуналарга қараб ишлашни илгари сурдилар. **Шунингдек, тарих, фалсафа, антик адабиёт ва мифология каби фанларни мунтазам ўқитишни йўлга қўйдилар.** Айниқса, **классик намуналарга тақлид қилиш кераклигини тан олиб, натурани ўрганишга катта эътибор қаратдилар.** Уларнинг тасаввурларида натура бу жуда дағал ва қўполдир, у алохида ишлов беришни талаб қилади. **Натура - идеал, нозик, нафосатли санъатнинг қонуний назарияси билан мос равишда бўлиши лозим, деб тушундилар.**

Аннибале  
Карраччи.  
**Венера ва  
Анхиз.**  
Римдаги  
**Фарнезе**  
**саройи**  
фрескасидан  
фрагмент  
1597-1604 й



Аннибале Карраччи. Венера и Анхис. Фрагмент росписи палатцо Фарнезе в Риме. 1597-1604 г.

Автопортрет  
Аннибале  
Карраччи. 1590-  
1600



Автопортрет  
Людовико  
Караччи.



Людовико  
Караччи.  
Кулаётган  
ўсмир




Караччи  
Аннибале.  
Биби Марям  
руhini  
юқорига олиб  
кетиш. 1587 й



Биби Марям  
авлиё Лука  
билан, 1592



## Қуйидаги саволларга жавоб беринг



Балонье академизми ҳақида нималарни биласиз?



Балонье академиясининг бадиий тарбия бериш услубияти қандай эди?

## РЕАЛИЗМ

17-асрдан бошлаб, аввало Европа санъатида, кейинроқ эса жаҳон санъатида борлиқни тўлақонли акс эттиришга, давр руҳи ва мазмунини очиб беришга асосланган реалистик йўналиш аста-секин етакчи ўринни эгаллай бошлади. Санъат янги мавзу, тур ва жанрлар билан бойиб боди. Демократияга асосланган мамлакатларда бу йўналиш ўзини кучлироқ намоён этди. Феодал ҳукумронликка қарши миллий озодлик ҳаракатлари кучайган мамлакатларда реалистик йўналиш бир мунча етакчи ўрин эгаллади. Масалан Голландияда халқ ҳаётини тўлақонли акс эттирувчи маиший жанр пайдо бўлди, манзара, натюрморт, портрет жанрлари юзага келди. Рассомлар ўз асарларида инсонларнинг ҳис-туйғуларини, жисмоний гўзаллигини, олийжанублиги ва маънавиятини очиб беришга интилдилар.

## КЛАССИЦЗМ УСЛУБИ

17-асрга хос яна бир йирик бадий услуб – классицизм Францияда пайдо бўлди. Классицизм вакиллари ақл идрокни санъатга тўғри йўл кўрсатувчи ягона мезон деб, ҳисоблашган. Ақл-идрокни ҳис-ҳаяжонга қарши қўйишган. Уларнинг фикрича, ақл кучи билан яратилган асаргина ҳақиқий санъат асари ҳисобланган. Классицизм тарафдорлари ҳам уйғониш даври санъатидан илҳомландилар. Улар ҳам идеал образга мурожаат қилдилар. Шаклларнинг аниқ ва эластик тугал, композицияларнинг жиддий мувозанатли ва мантиқий бўлишига эътибор бердилар. Антик давр мифологияси ҳамда Тавротга мурожаат қилиб, улардаги сюжетлар орқали ўз даврларининг ахлоқий ва сиёсий муаммоларини кўтаришга ҳаракат қилдилар.




**Мулоҳаза  
учун**



**Савол-  
жавоб**

## Қуйидаги саволларга жавоб беринг



Карважизм услубининг асосчиси ким ва услуб ҳақида нималарни биласиз?



Карважизм услубининг ўзига хос томонлари нимади, ижодий техникаси қандай?



Караважизм услубига мансуб қайси асарларни биласиз?

## Қуйидаги саволларга жавоб беринг



Балонье академизми ҳақида нималарни биласиз?



Балонье академиясининг бадиий тарбия бериш услубияти қандай эди?



Вақт: 5 дақиқа



20-балл

**1. XVII аср италян рассомлари ижодига оид картиналар рақамини ёзинг:**



- 1) Караважжо "Вахх".
- 2) Караччи "Апостол Матвей фаришта билан".
- 3) Караважжо "Люта чалувчи"
- 4) Тициан "Мария Магдалина"
- 5) Караччи "Автопортрет".
- 6) Тициан "Европанинг ўғирланиши".
- 7) Караччи. "Ёланма қотил".



## ЖАВОБИ

<b>A</b>	<b>B</b>	<b>S</b>	<b>D</b>	<b>E</b>	<b>F</b>
<b>5</b>	<b>1</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>7</b>	<b>2</b>

### 2. Бернини ижодига мансуб картиналар рақамини жадвалга ёзинг:

- 1) Авлиё Тереза жазаваси.
- 2) Апполон ва Дафта.
- 3) Автопортрет
- 4) Давид
- 5) Римдаги авлиё Пётр сабори интерьери
- 6) Людовика XIV портрети
- 7) Папа «Урбан VIII» қабрига қўйилган ёдгорлик



## ЖАВОБИ

<b>A 4</b>	<b>B 2</b>	<b>S 3</b>	<b>D 1</b>	<b>E 7</b>	<b>F 5</b>
------------	------------	------------	------------	------------	------------

**3. Монументал рангасвир ва ҳайкалтарошлик турлари кўрсатилган рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.**

- 1) Горепъеф, 3) Витраж, 5) Фреска, 7) Майда пластика,  
 2) Терракота, 4) Мазаика, 6) Панно, 10) Барепъеф,  
 8) Спектакл декорацияси, 9) Репъеф.

жавоб рақамлари

Монументал рангасвир	
Ҳайкалтарошлик	

**ЖАВОБ**

Монументал рангасвир	<b>3</b>	<b>5</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>8</b>
Ҳайкалтарошлик	<b>1</b>	<b>7</b>	<b>2</b>	<b>10</b>	<b>9</b>

**БАЛЛ**

10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
5	4,5	4	3,5	3	2,5	2	1,5	1	0,5

**4. “Қараважзм” ва “Балонья академизми” йўналишларига оид асарларни фарқланг ва тегишли рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.**

- 1) Венера ва Анхиз, 3) Вахх, 5) Уйқудаги фаришта,
- 7) Исмоилни (АС) қурбонлик қилиниши, 2) Мевали сават кўтарган ўсмир, 4) Исо Пайғамбарни азобланиши,
- 6) Муסיқачилар, 7) Исо (АС)нинг вафоти, 8) Исо пайғамбарнинг илк ювинтириш маросими, 9) Люта чалувчи
- 10) Автопортрет Караччи.

жавоб рақамлари

Қараважзм	
Балонья академизми	

## ЖАВОБ

Қараважзм	3	5	2	6	9
Балонье академизми	1	4	7	8	10

## БАЛЛ

10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
5	4,5	4	3,5	3	2,5	2	1,5	1	0,5

**5. Тасвирий санъат услубларини тарихий босқичлари бўйича кетма-кетлигини аниқланг ва катакларга рақамланг.**

1) модернизм; 2) барокко; 3) готика; 4) классицизм; 5) рококо; 6) роман; 7) манеризм.



## ЖАВОБ

**6 3 7 2 5 4 1**

## БАЛЛ

7	6	5	4	3	2	1
5	4,5	4	3,5	3	2,5	2

## 6. Европа тасвирий санъатидаги услуб ва йўналишларни уларнинг асосий хусусиятлари билан жуфтланг.

1	Реализм	А	Шаклнинг ҳис ҳаяжонга бойлиги; декоратив устиворлик; шакллар динамик ҳаракатининг етакчилиги; буёқларнинг ёрқинлиги; ёруғ-соя ўйинларга бойлиги;
2	Барокко	Б	Борлиқни аниқ тасвирлаш; давр руҳи ва мазмунини аниқ очиб бериш; инсоннинг жисмоний гўзаллигини аниқ шаклларда ифодалаш, ҳаққоний, ҳаётий кўринишни тасвирлаш
3	Манеризм	В	Асосий образларни ёруғлантириш ҳисобига биринчи планга чиқариб, орқа планни кўпинча тўқ-қорамтир гаммада тасвирлаш, Европа санъатида «ертўла ранг тасвири» ривожланишига замин яратган йўналиш.
4	Караважизм	Г	Дидпарастлик, ҳаёлий, ғайритабиий дунёнинг тасвирланиши, контур чизиқларнинг синиқлиги, ёруғлик ва ранг қарама-қаршиликлари; фигураларнинг узайтирилиши, позаларнинг мураккаблиги

## ЖАВОБ

1	2	3	4
Б	А	Г	В

## БАЛЛ

4	3	2	1
5	4	3	2

Фикр-мулоҳаза юритинг ва тадқиқотчилик қобилиятингизни намойиш этинг!

## ВЕНН ДИОГРАММАСИ АСОСИДА ТАҲЛИЛ

*ИЖОДИЙ  
ИЗЛАНУВЧАНЛИК*

*МУСТАҚИЛ  
ТАДҚИҚОТЧИЛИК*


25  
балл

Вақт: 5 дақиқа

Микеланджелонинг  
“Давид” ҳайкали

ТАҲЛИЛ


Бернинининг  
“Давид” ҳайкали



Бадний таҳлил

Бир-бири  
билан  
боғлиқ ёки  
фарқли  
жиҳатлари

Бадний таҳлил



**АСАР БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ**


**25 балл**

**ёзма иш**

**Вақт: 4 дақиқа**

Қуйидадаги асарлар орасидан  
**КАРАВАЖО**  
иждодига мансуб асарни  
аниқланг ва таҳлил қилинг?

Вақт: 4 дақиқа



1



2



3



4



5



6

Қуйидаги асарлар орасидан  
**БЕРНИНИ**  
ижодига мансуб асарни  
аниқланг ва таҳлил қилинг?


Вақт: 4 дақиқа



1




2



3



4



5



6

**УЧ ДАҚИҚА**  
давомида  
**XVII асрда италян  
рассомлари яратган  
картиналар номини ёзинг!**

Кўпроқ ёзинг, жамоадoshлар фаол қатнашинг!



10 балл

## ЯКУНИЙ ҚИСМ

- Умумий балларни ҳисоблаш ва эълон қилиш
- Мухокама
- Талабалар олган балларни гуруҳ журналиги расмийлаштириш

## ОЧИҚ ДАРС МАШҒУЛОТИДАН ФОТО ЛАВҲАЛАР

